

Қориларга тавсиялар берилди



17:09 / 10.04.2021 2296

Бугун 10 апрель кунин «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг мажлислар залида муборак Рамазон ойида Қуръони Карим хатмоналарини юртимиз масжидларида қандай ўтказиш масаласи бўйича аниқ режалар белгилаб олинди. Ушбу йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими бошлиғи Муҳаммадназар Қаюмов ҳамда таровеҳ намозида хатму Қуръонда иштирок этувчи юртимиз қорилари қатнашди. Йиғилишда бу йилги Рамазон ойини қандай ўтказиш лозимлиги, мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, Қуръон хатмоналарини қироат қилувчи қориларимизга тавсиялар ва кўрсатмалар бериб ўтилди.

















